

# **«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ, ДИНИЙ АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИ»**

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ  
ТҮПЛАМИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ  
ИСЛОМ ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ ВА САНЬАТИНИ  
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ТАШКИЛОТИ - IRCICA**

**“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ  
МАДАНИЯТИ, ДИНИЙ АНЪАНА  
ВА УРФ-ОДАТЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**ТҮПЛАМИ**

**«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2021**

## МУНДАРИЖА

<b>Ш.Ёвқочев.</b> Диний бағрикенглик – тинчлик ва миллат-лараро тотувликнинг гарови .....	8
<b>Halit Eren.</b> Табрик сўзи .....	11
<b>З. Исломов.</b> Хоразм илмий муҳитига оид янги манбалар ..	18
<b>А.Муминов.</b> Научное наследие ученых Центральной Азии и Ибн Камал-паша .....	24
<b>С.Агзамходжаев.</b> Марказий Осиёда миллатлараро ҳамжи-ҳатлик маданиятининг асосий тамойиллари .....	31
<b>Н.Мухамедов.</b> Ислом тарихи ва манбашунослигига доир тадқиқотлар .....	36

## 1-ШЎЬБА: МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ

<b>Ш.Содикова.</b> Ўзбекистон давлат санъат музейи: ганчкорлик санъатига оид буюмлар тарихидан .....	39
<b>А.Ҳасанов.</b> Марказий Осиёга ислом дини кириб келиши-нинг ўзига хос хусусиятлари .....	43
<b>А.Расулов.</b> Туркистондан Бошкирдистон халқига ёрдам ...	46
<b>Қ.Эргашев Т.Хатамов.</b> Амир Темур ва темурийлар даврининг Марказий Осиё халқлари маданий тарақ-киётида тутган ўрни .....	50
<b>Г.Фузаилова.</b> Педагогические воззрения мыслители Востока .....	56
<b>Ш.Қўлдашев, Ш.Рўзматова.</b> Ўрта Осиё хонликлари маданияти тарихига оид баъзи мулоҳазалар .....	59
<b>Г.Зунунова.</b> К вопросу о культе умерших предков у узбеков .....	63
<b>Т.Нуриддинова, Д.Истамов.</b> Ўзбекистон давлат санъат музейи: моддий ва маданий санъат буюмларини тадқиқ қилиш ва сақлаш .....	67
<b>Х.Жуманазаров.</b> Тиббий антропология соҳаси тарихи ва тарақкиёти .....	71
<b>А.Замонов.</b> Дин уламоси бўлмиш сарбадор тақдири ҳақида баъзи мулоҳазалар .....	75

**Х.ЖУМАНАЗАРОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Тарих институти докторанти PhD**

## **ТИББИЙ АНТРОПОЛОГИЯ СОҲАСИ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ**

XXI асрга келиб соғлиқни саклаш ва аҳолининг соғлом турмуш кечириш масаласи тиббиёт соҳаси доирасидан чиқиб комплекс тадқиқот услублариiga эҳтиёж сезди. Натижада, муаммога тиббий ёндашув билан бир қаторда экологик, ижтимоий-маданий ёндашувлар муҳим аҳамият касб эта бошлади. Натижада тиббиёт, маданий антропология, этнология ва социология йўналишларининг туташ нуқталарида “тиббий антропология” атамаси юзага келди.

*Тиббий антропология* – инсонлар, ижтимоий гуруҳларнинг саломатлиги ва фаровон турмуш тарзини тадқиқ қилиш ҳамда турли хил касалликлар, уларни тарқалиш жараёнлари мисолида минтақалараро маданий ва экологик фарқни кўрсатувчи ижтимоий жараёндир. Бошқача айтганда, тиббий антропология - соғлик ва касалликнинг маданият билан боғлиқлигига қаратилган антропологик фандир<sup>55</sup>.

Ушбу тушунча илк бор 1959 йилда Жейм Рони томонидан қўлланилган<sup>56</sup>. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб ушбу йўналиш алоҳида тадқиқот соҳаси сифатида ривожланди ҳамда АҚШ ва Европа мамлакатлари илмий тадқиқот муассасаларида ўрганила бошланди. Бу йўналишнинг ўқитиш ва тадқиқ қилиш масалаларига оид илк қарашлар америкалик антропологлар Жорж Фостер ва Барбара Андерсонларнинг қўлланмаларида акс этган<sup>57</sup>. Тиббий антропология тарафдорлари илк даврда факат замонавий тиббиёт доирасидагина тадқиқ қилиш билан чекланган бўлса, вақт ўтгандан сўнг саломатлик ва соғлиқни саклаш масалаларига доир қарашларнинг аксарияти

<sup>55</sup> Elizabeth Lewis. An introduction to medical anthropology // <https://www.thoughtco.com/medical-anthropology-4171750?print>

<sup>56</sup> James R. Medical anthropology: an introduction // Journal of the NMA. – 1963. – № 2. – P.95

<sup>57</sup> Михель Д. Медицинская антропология. – Москва: Дело, 2017. –С. 13-23

минтақалараро ва этносларапо турлича күринишида ҳамда локал хусусиятларга эга эканлигид асосида, ушбу тизимни пайдо бўлиш негизидан келиб чиқиб ўрганишга харакатлар бўлди. Яъни, бугунги кунда жаҳон халқлари томонидан фойдаланилаётган стандарт тиббиёт усуллари ҳам дунёнинг турли нуқталарида миллий анъаналар ва соғлик билан боғлик маҳаллий билимлар билан қоришиқ ҳолда ривожланиши эътибор марказига тушди. Натижада замонавий тиббиёт ютуқларини оммавийлаштириш жараёни маҳаллий ўлканинг иқлими, аҳолининг иқтисодий имкониятлари, урф-одатлари ҳамда географик жойлашуви, диний қадрятлари каби аҳлоқий жихатлар билан боғлик масалалар ҳисобга олиниши зарур эканлиги тиббий антропологиянинг янгича қиёфаси сифатида юзага келди. Жумладан, ўтган асрнинг сўнгги чорагида олиб борилган тадқиқотларда bemor ва шифокор(табиб) ўртасидаги муносабатлар тиббиёт коидаларидан кўра анча кенг қамровли масалага айланиб, жараёнга психологоқ, маданий ва анъанавий ёндашув талаб этилиши тадқиқотларда қайд этила бошланди. Натижада АҚШда тиббий антропология илк даврда факат тиббиёт муассасаларида bemor ва шифокор ўртасидаги муносабатлар асосида кечадиган жараён деб қаралган бўлса, Европа мамлакатларида тиббий антропология кенгроқ ва салмоқлироқ тушунча сифатида тарғиб қилиниб, ҳолатга этнопсихологоқ, этнотиббиёт ва тиббиётга саломатликка оид анъаналарнинг давоми сифати деган муносабат шаклланди. Шу тариқа тиббий антропология ва уни таркибий хусусиятларини ўрганувчи мактаблар юзага келди.

Хозирда Стенфорд университетининг “Антропология” кафедрасида (проф. **Angela Garsiya**) тадқиқотлар доираси касалликлар ва инсон саломатлигининг ирқ, мухит, этноснинг тиббий маданияти, халқнинг иқтисодий ҳолатига боғлик бўлган жараёнлар билан омухталашган ҳолда олиб борилса<sup>58</sup>, Оксфорднинг ижтимоий ва маданий антропология институтида (проф. **Elisabeth Hsu**) турли жамиятларда соғликни саклаш ва даволаш маданияти, ижтимоий ва жисмоний антропологик

---

<sup>58</sup> <https://anthropology.stanford.edu/research-projects/medical-anthropology>

(Bio-anthropology) жараёнларнинг тиббий антропологияда акс этиши масалаларига эътибор қаратилади<sup>59</sup>. РФА Этнология ва антропология институтининг “Тиббий антропология” маркази” (проф. В.И. Харитонова) эса асосан табобат ва тиббиёт интеграциясига ургу берилади. Шунингдек, Россия ҳудудида яшовчи халқларнинг табобат тизимларини бирлаштиришга эътибор қаратиб, турли географик-маданий муҳитда юзага келган саломатликка доир анъаналарни шаклланиш боскичларини ўрганади<sup>60</sup>. Яъни, Стенфордда кўпроқ ургу замонавий жамиятда соғлиқни сақлаш ва тиббиётга эътибор қаратилса, Оксфордда саломатлик анъаналари турли антропология йўналишларини туташган қисмида тадқиқ қиласди. “Тиббий антропология” маркази эса бир ҳудудда яшовчи бир неча халқларнинг табобатга оид анъаналарини ўрганишга эътибор қаратган. Шунингдек, Россияда табобатнинг мистик турига алоҳида ургу берилади.

Шу асосда тиббий антропологияга бериладиган таърифлар ҳам йўналишлар асосида шаклланган. Масалан Америка тиббий антропология жамияти (SMA)- *тиббий антропология* соғлиқ ва фараованликка таъсир этувчи омилларни, жумладан саломатлик ва касалликка оид эмпирик тажрибалар, касалликни аниқаш, даволаш ва олдини олишга оид ижтимоий муносабатларни ўрганадиган антропологик соҳа деб таърифлайди<sup>61</sup>.

Тиббий антропология ассоциацияси (AMA) *тиббий антропология-соғлиқни сақлаш муаммоларини кенг ижтимоий-маданий майдонда ўрганиш ва ўтмиш ҳамда ҳозирда мавжуд бўлган барча шифолаш тизимларини тадқиқ этувчи соҳа*<sup>62</sup>.

Юқоридагилардан хulosа қилиб айтиш мумкинки, тиббий антропологиянинг тадқиқот доираси тиббиёт, психология, социология, этномедицина, этнология каби бир неча туркум фанлар тармоғи доирасида амалга оширилади. Шунингдек, тадқиқот методлари ҳам мавзунинг қамрови ва мазмунига

<sup>59</sup> <https://www.isca.ox.ac.uk/medical-anthropology-0#collapse389831>

<sup>60</sup> <http://iea-ras.ru/index.php?go=Structure&in=view&id=28>

<sup>61</sup> <http://www.medanthro.net/about/about-medical-anthropology/>

<sup>62</sup> Медицинская антропология, проблемы, методы, исследовательское поле. Сб. статей / отв. ред. В.И. Харитонова. –Москва: Публисити, 2015. – 333 с.

караб турли тармоклараро ёндашувга таянади. Бугунги кунда ушбу соҳадаги изланишлар соғлиқни сақлаш, саломатликка оид тиббий ва маданий жараёнларни маҳаллий анъаналар асосида солиштирма тадқиқоттга асосланган. Тиббий антропология мазмун жихатдан ўрганилиш доираси куйидагича:

<b>Америка тиббий антропология жамияти (SMA)</b>	
Этно-тиббиёт	Оммавий соғлиқни сақлаш маданияти
Табобат ва тиббиёт интеграцияси	Тиббиётни шакллантирган тарихий ва сиёсий омиллар

Америка тиббий антропология жамияти замонавий жамиятда соғлиқни сақлаш тизимида монопол кўринишида бўлган замонавий тиббиётнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлилига кўпроқ эътибор қаратади ҳамда халқ табобати анъаналари соҳасида эса бугунги кунда сақланиб қолган ва оммавийлашган тизимларгагина эътибор қаратади. Масалан: Тибет, Ҳинд, Хитой табобатига оид турли медитация, йога, игнатерапия каби фаол методларни ззамонавий тиббиёт усуслари билан интеграцияси устуворлик касб этади.

<b>Тиббий антропология ассоциацияси (AMA) –Россия</b>	
Замонавий тиббиёт	Муқобил табобат
Халқ табобати	Соғлиқни сақлашнинг маҳаллий усуслари

Европа мактаби, жумладан Россия ФА олимлари тиббий антропологияни соғлиқни сақлаш тизимида қўлланиладиган асосий ва муқобил усусларни умумий номлар билан (халқ табобати, тиббиёт, муқобил табобат каби...) атаб ўрганади. Бунда йўналишни тарихан шаклланган ва халқ орасида сақланган номлар билан атаб ўрганиш— кўпроқ соҳанинг тарихий илдизларини очиб беришга хизмат қиласи деган ғояга таянишади.

Тиббий антропология соҳасини этнологияга татбиқ этилаётган янги соҳалардан бири ҳисобланиб, ушбу йўналиш тиббий, ижтимоий, маданий ва психологик йўналишларда комплекс тадқиқотларга эҳтиёж сезади. Бошқа томондан

табобат анъаналарига доир изланишларни амалиёт билан уйғулыштириш масаласи ҳам мұхим. Шу ҳолатда халқ табобатига доир бой меросини бугунги күн талабларига мослаштириш ва халқ саломатлигини янги босқичга күтиршга замин ҳозирлаш мүмкін.

**А.ЗАМОНОВ**

*Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти. катта илмий ходим, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,*

## **ДИН УЛАМОСИ БЎЛМИШ САРБАДОР ТАҚДИРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР**

Тарихдан маълумки, 1365 йил баҳорида Мўғулистон хони Илёсхожаон Мовароуннаҳрга қўшин тортади. Унга қарши мамлакат мудофаасини ташкил этиш учун Амир Ҳусайн ва унинг дўсти Амир Темурлар катта қўшин билан отланадилар. Бугунги Чиноз ва Тошкент оралиғида тарихда “Лой жанги” номи билан шуҳрат топган мухорабада иттифоқчилар енгилади. Илёсхожа Самарқандни ишғол қўлмоқчи бўлганида шаҳарда босқинчиларга қарши ўзларини “сарбадор” (лугавий маъноси “боши дорда”), яъни “душманга таслим бўлсак, бошимиз дорда бўлсин” деган қасамий шиор билан атаган шаҳарнинг барча табақаларидан иборат аҳоли мудофаа чораларини кўрадилар.

Шаҳар ҳалқи орасида курашга тарғиб қилувчилар – мадраса мударриси Мавлонозода Самарқандий (*Муиниддин Натанзий уни талаба деб ёзади*<sup>63</sup>), мерган Хўрдак Бухорий ва хунармандлар пешвоси Абу Бақр Калавий наддофлар мўғулларга қарши курашни тарғиб қиласи ҳамда уч кечакундуз мудофаа жангига тайёргарлик кўришади. Мўғуллар қўшини шаҳарнинг марказий кўчасига киргач, барча мудофаачилар душманга зарба беришга киришишади. Мўғуллар бу кутилмаган зарбадан катта талафот кўради. Бундан ташқари, уларнинг отларига ўлат тегиб, ёппасига кирила бошлайди. Манбалардаги маълумотларга кўра, ҳар тўрт

<sup>63</sup> Муиниддин Натанзий. Мунтаҳаб ут-таворихи Муиний. / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 224 б.